

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МИРЗОЁҚУБОВ КОМРОНБЕК ЭРКИНБОЙ ЎҒЛИ

**ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ЭЛИТА
УРУҒЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Мирзоёқубов Комронбек Эркинбой ўғли

Давлат Реестрига киритилган ғўза навларининг элита уруғларини
етиштириш услубини такомиллаштириш..... 3

Мирзоёқубов Комронбек Эркинбой угли

Усовершенствование метода производства элитных семян сортов
хлопчатника зарегистрированных в Государственном Реестре..... 22

Mirzoyoqubov Komronbek Erkinboy ugli

Improving the methods of growing elite seeds of cotton varieties registered
in the State Registr..... 41

.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МИРЗОЁҚУБОВ КОМРОНБЕК ЭРКИНБОЙ ЎҒЛИ

**ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ЭЛИТА
УРУҒЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx1190 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuayiti.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Амантурдиев Алишер Балкибаевич
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рашидова Дилбар каримовна
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Дарманов Мухтор Мухаммадович
биология фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:


Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражаларини берувчи DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02-рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «8» апрел соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78, факс (+99871) 150-61-37, e-mail: paxtauz@mail.ru. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти кутубхонасида танишиш мумкин (1320 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти кутубхонаси. Тел: (+99897) 746-47-60.


Диссертация автореферати 2025 йил «25» март кунини тарқатилди.
(2025 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)





Ш.Э.Намазов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., академик


М.Б.Халикова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., профессор


А.Рахмонқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор, ЎзРҚХА мухбир аъзоси

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда бугунги кунда 120 дан ортиқ пахта етиштирувчи давлатлар бўлиб, тола етиштиришдан ташқари барчаси ғўза уруғларини ишлаб чиқаришга асосланган. Бу борада етакчи ўринларни Ҳиндистон (1252,4 тонна), Хитой (1067,9 тонна), АҚШ (5654,0 тонна) каби давлатлар эгаллайди. Ўзбекистон пахта уруғини ишлаб чиқариш бўйича олтинчи ўринни эгаллаб, 1374,0 тонна уруғ етиштиради»¹. Ғўза уруғчилиги ривожланган дунёнинг етакчи мамлакатларида жаҳонда юз бераётган озиқ-овқат ҳавсизлигини олдини олиш ва сифатли маҳсулотларни етиштириш ҳамда уруғлар сифатини яхшилашга қаратилган илмий изланишлар долзарблигини йўқотмаган.

Дунёда пахтачилик соҳаси ривожланган Ҳиндистон, Хитой, АҚШ, Бразилия, Австралия, Мексика, Туркия, Покистон, Жанубий Африка каби давлатларда ғўзадан юқори ҳосил олиш ҳамда сифатли уруғларини етиштириш бўйича соҳада замонавий селекцион услубларни қўллаш орқали кўпгина ютуқларга эришилмоқда.² Сўнги йилларда глобал иқлим ўзгариши натижасида турли абиотик ва биотик омилларга бардошли бўлган ғўза навларини яратиш ва уларнинг сифатли уруғларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда районлашган навларнинг элита уруғлигини тайёрлашда қўлланиб келинаётган услуб ўтган йиллар давомида уруғлик сифатига бўлган талабнинг бажарилишига имкон берган. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнида селекционерлар, уруғчи ҳамда уруғшунослар ўртасида алоқа қилиш имкониятининг мутлақо янги ҳуқуқий базаси яратилди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, турли хил ноқулай экстремал шароитларга бардошли ва шўрланган тупроқларда тола сифат кўрсаткичлари таҳлилларини ўрганиш, шунинг билан бир қаторда, уларни турли тупроқ-иқлим шароитларида районлашган янги навларни сифатли уруғларини тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»³ ги ПФ-5853-сонли фармони, 2019 йил 16-февралдаги Ўзбекистон Республикаси «Уруғчилик тўғрисида»ги қонуни⁴, 2019 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5708-сонли Фармони⁵, 2018 йил 27-апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3683-сонли қарори⁶ ҳамда бошқа

¹ <https://www.icac.org>

² <https://www.cottonportal.org>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сонли фармони

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги қонуни

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сонли фармони

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27-апрелдаги ПҚ-3683-сонли қарори

меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ғўза селекционер ва уруғчи тадқиқотчилари томонидан уруғлик чигитларни етиштириш ва тайёрлаш жараёнида фойдаланиш учун кўплаб услубларни таклиф этганлар. Хусусан, Parmar M.B., Leslie Meyer., Huang G., Yang Z., Zhaoen Yang, Алтухов Ю.П., Tsedaley B., Finch-Savage WE, Hassan M., Мередов Я., Atiqueur-Rehman, Muhammad I.,S., Hall S. каби олимлар томонидан ғўза селекцияси ва уруғчилиги ҳамда уруғчилик жараёнида қўлланиладиган услублар тўғрисида илмий изланишлар амалга оширилган.

Мамлакатимизда Кратиров О.В., Иксанов М.И., Нариманов А.А., Амантурдиев А.Б., Ибрагимов П.Ш., Козубаев Ш.С., Бабаев Я.А., Рашидова Д.К., Қахҳоров И.Т., Мамарахимов Б.И. каби олимлар томонидан ғўза уруғларини кўпайтириш, уруғчилик тизимини соддалаштириш ва навларнинг наводорлик сифатларини ҳамда таҳлилларнинг аниқлилик даражасини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ ҳозирги кунда ғўза элита уруғчилик хўжалиги лабораторияларида тола сифат кўрсаткичлари бўйича аниқ бир белги асосида танлов ўтказилмасдан, ҳар ҳил кўрсаткичлар бўйича яроқсизга (браковка) чиқарилмоқда. Уруғчилик тизимининг амалдаги услубини такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорликка эришиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ бўлиб, ҚХ-И-ҚХ-2018–47 “Тезпишар, вилт касаллигига бардошли, ҳосилдор, юқори тола сифати ва чиқимига эга, IV типга мансуб ғўзанинг янги С-8286 навининг уруғларини Самарқанд вилоятида кўпайтириш ва ишлаб чиқаришдаги майдонини кенгайтириш” мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Давлат Реестрига киритилган ғўза навларинининг элита уруғларини етиштириш услубини юқори технологик, ресурстежамкор экспресс усул ёрдамида тола сифат кўрсаткичларини баҳолаб таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш ҳамда ғўза навларининг генетик софлигини таъминлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

элита уруғчилик хўжаликларининг уруғлик кўчатзорларида дала кўрикларини ўтказиш;

иккинчи йил уруғлик кўчатзоридан териб олинган оилавий терим намуналарнинг тола сифат кўрсаткичларини Uster HVI Spectrum классификацияси бўйича баҳолаш;

элита уруғчилик лабораториясида тола сифати кўрсаткичларини аниқлаш учун олинган синов намуналарини ип йигирувчанлик коэффициенти (SCI) бўйича таҳлилдан ўтказиш ва вариацион қаторларини тузиш;

толанинг ип йигирувчанлик коэффициенти билан айрим тола сифат кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғланишларни аниқлаш;

таҳлил натижалари асосида кейинги йилда экиладиган оилаларни экишга тавсия этиш;

амалдаги “Районлашган ғўза навларининг элита ва биринчи репродукция уруғликларини етиштиришга оид қўлланма”га мувофиқ лаборатория шароитида олиб бориладиган тадбирларга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш бўйича таклиф бериш.

Тадқиқот объекти сифатида эртапишар, серхосил, тола сифати V саноат типига мансуб ғўзанинг С-8286 ва С-8290 навлари, уруғлик кўчатзорлари ҳамда 2-йилги уруғлик кўчатзоридан териб олинган тола намуналарининг HVI ускунасида баҳоланган сифат кўрсаткичларидан фойдаланилган.

Тадқиқот предмети сифатида Давлат Реесртига киритилган ғўза навлари уруғларини етиштириш услубини такомиллаштиришда элита уруғчилик хўжаликларида етиштирилаётган навларнинг тола сифатини баҳолашда ип йигирувчанлик коэффициентини қўллаш, тола сифат кўрсаткичлари ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш, ип йигирувчанлик коэффициент билан айрим тола сифати кўрсаткичлари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликларни ўраганиш ҳамда шу орқали оилаларни танлаб олиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлиллари навнинг уруғларини кўпайтиришда ва ишлаб чиқаришда навдорлиги юқори бўлган уруғлик билан таъминлаш борасида олиб борилган уруғчилик тадбирлари Б.А.Доспехов (1985) усулида ва “Элита ва биринчи авлод ғўза навлари уруғларини кўпайтириш” қўлланмалари (О.В.Кратиров, 1981) ҳамда тола сифати «Қишлоқ хўжалиги махсулотлари сифатини баҳолаш маркази» нинг синов лабораториясида Uster HVI Spectrum (2004) тола классификацияси тизимида таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба элита уруғчилик хўжалиги лабораторияларида ғўза навларининг тола сифати - тола микронейри, юқори ўртача узунлиги, солиштирма узилиш кучи, узунлик бўйича бир хиллилик индекси, нур қайтариш коэффициенти, ва сарғишлик даражаси каби тола технологик кўрсаткичлари алгоритми орқали ҳисобланган ип йигирувчанлик коэффициенти (SCI) асосида баҳоланган;

иккинчи йил уруғлик кўчатзоридан териб олинган оилавий теримларининг тола намуналари ип йигирувчанлик коэффициенти бўйича

вариацион қаторлар кўринишида гуруҳлаштирилган ҳамда модал кўрсаткичли оилалар аниқланган;

нав популяциясида асосий тола сифат кўрсаткичлари бўйича ўзгарувчанлик коэффициенти аниқланган ва ип йигирувчанлик коэффициенти билан айрим тола сифат кўрсаткичлари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

ғўза уруғчилиги лабораторияларига меҳнат ресурсларини тежайдиган, таҳлилларнинг аниқлилик даражасини оширадиган замонавий инновацион технологиядан фойдаланилиб, толанинг ип йигирувчанлик коэффициенти асосида танлов ишлари олиб борилган ва оилалар кейинги йил ҳосили учун экишга тавсия этилган;

ғўза уруғчилиги лабораториялари меҳнат ресурсларини тежайдиган, таҳлилларнинг аниқлилик даражасини оширадиган усул - толанинг ип йигирувчанлик коэффициенти асосида танлов ишларини олиб бориш натижасида модал қийматли ва унга яқин бўлган намуналар сонининг 90,7 ва 94,1 фоизга ошиши ва навнинг генетик тозалигини сақланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

элита уруғчилик хўжаликларининг уруғлик кўчатзорларидан териблинган оилавий терим намуналарининг тола сифати Uster HVI Spectrum классификацияси бўйича М 700 ёки М 1000 ускунасида 14 та кўрсаткич бўйича тўлиқ таҳлилдан ўтказилган;

ғўза уруғчилиги лабораторияларига меҳнат ресурсларини тежайдиган, таҳлилларнинг аниқлилик даражасини оширадиган замонавий инновацион технологиясидан фойдаланилиб, толанинг ип йигирувчанлик коэффициенти асосида танлов ишлари олиб борилиши натижасида модал қийматли ва унга яқин бўлган намуналар сонининг 90,7 ва 94,1 фоизга ошишига эришилган.

уруғлик материалларини тола сифати бўйича баҳолашда замонавий инновацион технологиядан фойдаланиш натижасида навнинг генетик тозалигини сақлашга, пировардда ип йигирувчанлик коэффицентининг 154-155 (модал) қийматга эга бўлган намуналар сонининг ортишига эришилган;

юқори сифатли уруғлик фондини жамғаришга замин яратишда фойдаланиб келинаётган “Районлаштирилган ғўза навларининг элита ва биринчи репродукция уруғларини етиштиришга оид қўлланма”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига тавсия берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларининг ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан олиб борилган дала апробация кўригида ижобий баҳоланганлиги, бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, олинган натижаларни замонавий компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, илмий-тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги,

хулосалар илмий асосланганлиги, натижаларни амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тола сифати - тола микронейри, юқори ўртача узунлиги, солиштирма узилиш кучи, узунлик бўйича бир хиллилик индекси, нур қайтариш коэффиценти, ва сарғишлик даражаси алгоритми орқали ҳисобланган ип йигирувчанлик коэффиценти (SCI) асосида баҳоланганлиги, модал қиймат ва унга яқин кўрсаткичли оилаларни ажратилганлиги, нав популяциясида ип йигирувчанлик коэффицентини ўзгарувчанлиги ва тола сифатининг асосий кўрсаткичлари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликларни аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иккинчи йил уруғлик кўчатзорида барча дала кўриклари ўтказилгандан сўнг, оилалардан териб олинган намуналар толасининг сифати Uster HVI Spectrum классификацияси тизимида таҳлил қилиниб, асосий белги ҳисобланган ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича модал кўрсаткичли ва унга яқин бўлган оилаларни танлаш натижасида кейинги йилларда экиш учун олинадиган намуналарнинг сони 90,7 ва 94,1 фоизга ошишига эришилганлиги, шу асосда фойдаланиб келинаётган “Районлаштирилган ғўза навларининг элита ва биринчи репродукция уруғларини етиштиришга оид қўлланма”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига тавсия берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат Реестрига киритилган ғўза навларининг элита уруғларини етиштириш услубини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Таклиф этилаётган услуб ғўзанинг С-8290 нави бўйича Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги хусусий элита уруғчилик хўжалигида 30 гектар, Жиззах вилояти Шароф Рашидов элита уруғчилик хўжалиги МЧЖда 32 гектар ва ғўзанинг С-8286 нави бўйича Самарқанд вилояти Иштихон элита уруғчилик хўжалиги МЧЖда 40 гектар, жами 102 гектар майдонида жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 2 декабрдаги № 05/01-05/02-05/04-03-432-сонли маълумотномаси). Натижада уруғчилик лабораторияларида янги услубдан фойдаланилганда намуналар чекланмаган миқдорда таҳлил қилиниб, навга хос бўлган намуналарни танлаб олиш имконияти ва таҳлилларнинг аниқлиги даражаси ортган ҳамда 8-10% юқори иқтисодий самарадорликка эришилган.

Иккинчи йил уруғлик кўчатзори оилаларидан териб олинган тола намуналарида HVI ускунаси орқали ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича танлов олиб бориш усули Абдукаримхожи ўғли Абдувалихожи хусусий элита уруғчилик хўжалиги, Самарқанд-Иштихон элита уруғчилик МЧЖ ва Шароф Рашидов элита уруғчилик хўжалиги МЧЖларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 2 декабрдаги № 05/01-05/02-05/04-03-432-сонли маълумотномаси). Натижада, С-8290 ва С-8286 ғўза

навлари уруғлик кўчатзорларидан териб олинган синов намуналарининг тола сифат кўрсаткичларидан ип йигирувчанлик коэффиценти мос равишда 153-155 ва 143-146 га ортганлиги аниқланган.

Вўза навларида ип йигирувчанлик коэффиценти билан бошқа тола сифати белгиларининг ўзаро ижобий корреляцион боғлиқлиги маълумотлари асосида элита уруғчилик хўжаликлари уруғлик кўчатзорларига экиш учун ип йигирувчанлик коэффиценти юқори бўлган, яъни модал қийматли ва унга яқин коэффицентга эга бўлган оиларнинг уруғлик чигитлари фойдаланилган (Взбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 2 декабрдаги № 05/01-05/02-05/04-03-432-сонли маълумотномаси). Натижада, ўрганилган нав популяцияларида модал қийматли ва унга яқин бўлган оилалар 90,7 ва 94,1 фоизгача ортганлиги аниқланган.

Вўза элита уруғчилик хўжаликларининг лабораторияларида синов намуналарининг тола сифат кўрсаткичлари НVІ ускунаси ёрдамида баҳоланиб, тола ип йигирувчанлик коэффиценти асосида танлов ўтказиш услубидан фойдаланилган. Бунда амалда фойдаланилаётган услуга нисбатан таҳлилларнинг аниқлилик даражаси ва таҳлил қилинаётган намуналар сони ортган ҳамда қўл меҳнати камайган (Взбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 2 декабрдаги № 05/01-05/02-05/04-03-432-сонли маълумотномаси). Натижада, маълумотлар таҳлиliga кўра ип йигирувчанлик коэффицентининг ўзгарувчанлиги ғўзанинг С-8286 навида 5,79 дан 3,73 фоизгача, ғўзанинг С-8290 навида 14,3 дан 2,89 фоизгача қисқаришига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижаларида 5 та шу жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шундан Взбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда жами 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий-тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот натижаларининг илмий

янгилиги, тадқиқот назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Вўза уруғчилигида олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлиллари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиётларнинг батафсил таҳлили ёритилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасида олиб борилган илмий изланишларни самарадорлиги, ғўзанинг навларининг навдорлик сифатларини таъминлашда генетика қонуниятларини, популяциянинг тавсифини, миқдорий ва сифат белгиларининг ўзгарувчанлигини ўрганишда қўлланиладиган селекция ва уруғчилик усулларини, қимматли хўжалик белгиларидан тола сифат кўрсаткичларининг ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар, уруғлик чигитга кўйилган талаблар, бирламчи уруғчиликда қўлланиладиган усуллар, ғўза навларининг уруғларини кўпайтириш ва танлов самарадорлигини баҳолаш бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлиллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар олиб борилган жой ва унинг шароити, манбаи ҳамда услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба олиб бориш жойи ва тупроқ-иқлим шароити, тупроқдаги сувда эрувчан тузлар миқдори, бошланғич ашёлар, тадқиқот манбаи, тадқиқот услублари тажриба даласида ўтказилган агротехник тадбирлар каби маълумотлар баён этилган.

Дала тажрибалари 2021-2023 йиллар мобайнида ғўзанинг С-8286 ва С-8290 навлари элита уруғчилик хўжаликларининг кўчатзорларида олиб борилган. Изланишлар давомида 2-йил уруғлик кўчатзорларида дала кўриклари ушбу навларнинг тавсифига мувофиқ ўтказилган ва лабораторияда намуналарни баҳолашда НVI ускунасидадан фойдаланилиб тола сифат кўрсаткичларидан ип йигирувчанлик коэффициенти асосида танлов ишлари олиб борилган.

Диссертациянинг «**Элита уруғчилик хўжалиги лабораторияларида янги услуб асосидаги таҳлил натижалари**» деб номланган учинчи бобида юқоридаги навларнинг элита уруғчилик хўжаликларида кўчатзорларнинг жойлаштириш тартиби, кўчатзорларда дала кўриклари ўтказилишининг аҳамияти, териб олинган намуналарни тола сифатини таҳлил қилиш ва тола сифат кўрсаткичларининг ўзгарувчанлик коэффициентлари, тола ип йигирувчанлик коэффициенти билан қолган сифат кўрсаткичлари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликлари, ҳамда элита уруғчилик лабораторияларида тола сифат кўрсаткичларини ип йигирувчанлик коэффициенти билан танлов ишларини амалга оширишнинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Мазкур бобда ғўза навлари уруғлик чигитларини элита уруғчилик хўжаликларида уруғчилик кўчатзорларини юқори унумли, механизацияларни ишлашига қулай, сув билан яхши таъминланган текис ёки бироз қия бўлган конверт шаклидаги, соя тушмайдиган майдонларда жойлаштирилди. Элита уруғлари аралашиб кетишини олдини олиш учун атрофида ҳамда бош ва этакларига фақат элита уруғлари экилди.

Ушбу навларнинг уруғлик кўчатзорларида нав муаллифлари томонидан

берилган тавсияга асосланиб ва амалда фойдаланиб келинаётган йўриқномага мувофиқ 1- ва 2- йил уруғлик кўчатзорларида икки марта дала кузатувлари: биринчи дала кўриги гуллаш бошланганда; иккинчи дала кўриги эса кўчатзорларда ўсимликлар оммавий хосилга кирган даврда ҳамда уруғ кўпайтириш кўчатзорида дала кўриги бир марта ва бегона ўсимликлардан тозалаш ишлари бир неча марта апробациядан олдин ўтказилди. С-8290 ғўза навининг 2-йил уруғлик кўчатзорларида ўтказилган дала кўриклари натижасига кўра асосан нотипиклик ва сийраклик сабабли оилалар яроқсизга чиқарилди. Бунда 2021 йилда нотипиклик бўйича 27 та, сийраклиги сабабли 17 оилалар, 2022 йилда мос равишда 20; 25 оилалар, 2023 йилда 20; 22 та оилалар яроқсизга чиқарилди. С-8286 ғўза навининг 2-йил уруғлик кўчатзорида ўтказилган дала кўриклари натижасига кўра асосан нотипиклик сабабли оилалар яроқсизга чиқарилди. Бунда 2021 йилда нотипиклик бўйича 114 та, 2022 йилда мос равишда 105 та; 2023 йилда 116 та оилалар яроқсизга чиқарилди.

Тадқиқот давомида С-8290 навининг 2-йил уруғлик кўчатзоридан териб олинган оилавий терим намуналарининг тола сифат кўрсаткичлари Uster HVI Spectrum классификацияси бўйича баҳоланди.

Бунда тола сифат кўрсаткичларининг асосийларидан ҳисобланган: юқори ўртача узунлик кўрсаткичи 1,12-1,20; узунлик бўйича бир хиллилик индекси 84,1-85,9; солиштирама ўзилиш кучи 33,7-39,4; микронейр 4,6-5,0; нур қайтариш коэффициенти 73,3-76,5; сарғишлик даражаси 6,7-7,6 оралиғида бўлганлиги аниқланди. Юқорида келтирилган тола сифат кўрсаткичлари алгоритми орқали аниқланган тола ип йиғирувчанлик коэффицентининг ўртача кўрсаткичи 153-154 ни, яъни ип йиғирувчанлик классификациясига мувофиқ ушбу кўрсаткич (А++150-ва ундан юқори) жуда юқори ҳисобланади. Барча тола сифат кўрсаткичлари бўйича дисперсион таҳлил ўтказилиб ўзгарувчанлик коэффицентини аниқланди (1-жадвал).

Шунингдек тола сифатини ифодаловчи асосий кўрсаткич яъни ип йиғирувчанлик коэффицентининг ўзгарувчанлиги (V) 14,3-2,89 фоиз оралиғида бўлди.

1-жадвал

С-8290 ғўза навининг тола сифат ўзгарувчанлиги

	2021			2022			2023		
	$\bar{x}\pm s\bar{x}$	S	V	$\bar{x}\pm s\bar{x}$	S	V	$\bar{x}\pm s\bar{x}$	S	V
SCI	153,0±1,24	21,98	14,34	155,6±0,56	8,84	5,68	154,0±0,26	4,451	2,890
UHM	1,12±0,002	0,036	3,27	1,14±0,002	0,02	2,10	1,20±0,001	0,015	1,257
Unf	85,9±0,10	1,84	2,14	84,06±0,063	1,00	1,19	85,8±0,035	0,608	0,703
Str	33,7±0,29	5,14	15,25	39,43±0,15	2,36	5,98	33,6±0,05	0,819	2,437
Mic	4,6±0,01	0,23	4,99	4,62±0,01	0,20	4,42	5,05±0,006	0,107	2,121
Rd	73,3±0,09	1,75	2,39	73,74±0,13	2,06	2,80	76,5±0,053	0,930	1,216
+b	7,6±0,02	0,51	6,72	7,34±0,04	0,56	7,67	6,7±0,011	0,188	2,800


2-жадвал

С-8286 ғўза навининг тола сифат ўзгарувчанлиги

	2021			2022			2023		
	$\bar{x}\pm s\bar{x}$	S	V	$\bar{x}\pm s\bar{x}$	S	V	$\bar{x}\pm s\bar{x}$	S	V
SCI	143,0±0,50	8,28	5,79	146,9±0,55	9,4	6,4	146,7±0,33	5,45	3,73
UHM	1,16±0,002	0,04	3,74	1,14±0,002	0,029	2,55	1,13±0,001	0,015	1,34
Unf	82,89±0,079	1,31	1,57	84,0±0,052	0,9	1,0	85,1±0,04	0,67	0,79
Str	31,96±0,71	1,18	3,70	33,3±0,087	1,5	4,4	32,5±0,06	0,97	2,98
Mic	4,2±0,01	0,16	3,82	4,4±0,029	0,5	11,2	5,0±0,01	0,13	2,58
Rd	79,7±0,028	0,46	0,58	74,9±0,081	1,4	1,9	80,5±0,065	1,08	1,34
+b	8,4±0,003	0,054	0,63	8,1±0,029	0,5	6,5	7,8±0,013	0,21	2,75

Вўзанинг С-8286 навида эса қуйидагича бўлди; юқори ўртача узунлик кўрсаткичи 1,13-1,16; узунлик бўйича бир хиллилик индекси 82,9-85,1; солиштирма узилиш кучи 31,9-33,3; микронейр 4,2-5,0; нур қайтариш коэффиценти 79,7-80,5; сарғишлик даражаси 7,8-8,1; ип йигирувчанлик коэффиценти 143,0-146,0 кўрсаткичлар оралиғида бўлди. Ип йигирувчанлик классификациясига мувофиқ ушбу кўрсаткич (А+ 140-149) юқори ҳисобланади. Бунда ип йигирувчанлик коэффицентининг ўзгарувчанлиги (V) 6,4-3,73 фоиз оралиғида бўлди (2-жадвал).

С-8290 навининг иккинчи йил уруғлик кўчатзори оилаларидан териб олинган оилавий терим синов намуналарининг тола сифат кўрсаткичлари NVI классификациясида баҳоланди. Тола сифат кўрсаткичларидан ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича вариацион қаторлар тузилди. Бунда 2021 йилда толанинг ип йигирувчанлик коэффиценти 138-167 кўрсаткичлар оралиғида бўлди. 2022-йилда оилалар вариацион қаторда тарқоқ ҳолда 136-172 синфлар оралиғида жойлашди.




1-расм. С-8290 навида 2021-2023 йиллар давомида ип йигирувчанлик коэффицентининг ўзгарувчанлиги

Кейинги йилда ушбу навнинг ип йигирувчанлик коэффиценти вариацион қаторларда 135 дан 164 гача бўлган синфлар оралиғида жойлашди. Бунда 1-расмдан кўришимиз мумкин танлов натижасида йиллар давомида модал қиймат ва унга яқин коэффицентга тенг бўлган оилалар сонининг ошишига ва ўзгарувчанлик коэффицентининг қисқаришига эришилди (1-расм).

Вўзанинг С-8286 навининг иккинчи йил уруғлик кўчатзорларидан териб олинган намуналарнинг тола сифат кўрсаткичлари NVI ускунасида баҳоланиб, толанинг ип йигирувчанлик коэффиценти вариацион қаторларда

2021 йилдаги тадқиқотимизда 123 дан 161 гача бўлган синфлар оралиғида жойлашди. 2022 йилда намуналар вариацион қаторларда нисбатан тарқоқ ҳолда 126 дан 170 гача бўлган ораликларда ҳамда 2023 йилда ип йиғирувчанлик коэффициенти вариацион қаторларда 132-161 синфлар оралиғида жойлашди.




2-расм. С-8286 навида 2021-2023 йиллар давомида ип йиғирувчанлик коэффицентининг ўзгарувчанлиги

Ип йиғирувчанлик коэффициенти бўйича танлов олиб бориш натижасида йиллар давомида модал қийматли ва унга яқин бўлган оилалар сонининг ошишига, яъни нав популяциясида ушбу белги бўйича ўзгарувчанлик коэффицентини қисқаришига эришилди (2-расм).

Тадқиқот давомида 2021-2023 йилларда С-8290 ғўза навининг тола сифат кўрсаткичлари, яъни ип йиғирувчанлик коэффициенти билан тола юқори ўртача узунлиги (дюйм) ва узунлик бўйича бирхиллилик индекс кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик мос равишда $r=0,405-0,489$; $r=0,585-0,731$ ўрта ва кучли ижобий; солиштирма узулиш кучи $r=0,839-0,675$ ўрта ва кучли ижобий; тола микронейри $r=-0,329-(-0,266)$ ўзаро кучсиз салбий корреляцион боғлиқлик кузатилди. Ижобий корреляция мос равишда $t_r=8,44$; $t_r=15,81$ ва $t_r=44,16$; микронейр кўрсаткичида эса $t_r=-5,58$ ни ташкил этди, бунда корреляцион боғлиқликнинг мавжудлик мезони $t_r=1,96$ дан юқори бўлганда корреляцион боғлиқлик мавжуд ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики тола юқори ўртача узунлиги, узунлик бўйича бирхиллилик индекс ва солиштрма узулиш кучи билан ип йиғирувчанлик коэффициенти орасида кучли корреляцион боғлиқлик аниқланди. Микронейр билан ип йиғирувчанлик коэффициенти ўртасида салбий боғланиш кузатилган бўлсада

ижобий ҳисоблаймиз, чунки микронейр қанча баланд кўрсаткичда бўлса боғланиш коэффиценти мусбат шаклида бўлади.


Бундан ташқари тола ип йигирувчанлик коэффицентининг нур қайтариш коэффиценти ва сарғишлик даражаси билан корреляцион боғлиқлик мос равишда $r=-0,212$; $r=0,035$ коэффицентга эга бўлиб, кучсиз корреляцион боғлиқликни ташкил этди (3-расм).



$t_r \geq 1,96$ бўлганда корреляцион боғлиқлик мавжуд ҳисобланади.

3-расм. С-8290 нави айрим тола сифат кўрсаткичларининг ип йигирувчанлик коэффиценти билан корреляцион боғлиқлиги

Ғўзанинг С-8286 навида 2021-2023 йилларда ип йигирувчанлик коэффицентининг айрим тола сифат кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинди. Бунда толанинг юқори ўртача узунлиги билан $r=0,402-0,489$ коэффицентларга эга бўлиб, ўрта ижобий, узунлик бўйича бирхиллилик индексида $r=0,851-0,769$ коэффицентларга эга бўлиб, кучли ижобий, солиштрма узулиш кучи $r=0,649-0,759$ коэффицентларга эга бўлиб, ўрта ва кучли ижобий, микронейр $r=-0,479-(-0,361)$ коэффицентларга эга бўлиб, кучсиз салбий корреляцион боғлиқлик аниқланди. Тола ип йигирувчанлик коэффицентининг нур қайтариш ва сарғишлик даражаси орасидаги корреляцион боғлиқлик мос равишда $r=-0,054-0,109$; $r=0,035-0,064$ коэффицентга эга бўлиб, ахамиятли корреляцион боғлиқликлар кузатилмади (4-расм).




$t_r \geq 1,96$ бўлганда корреляцион боғлиқлик мавжуд ҳисобланади.
4-расм. С-8286 нави айрим тола сифат кўрсаткичларининг ип йигирувчанлик коэффиценти билан корреляцион боғлиқлиги

Белгилар орасидаги корреляцион боғлиқликлар тўғрисидаги маълумотлар ва уларни танлов жараёнида қўллаш тадқиқотчиларнинг мушкулени осон қилади. Чунки, ўсимлик генотипидаги балансни сақлаб қолиш учун белгилар кўрсаткичларини мўътадил ҳолда ушлаш керак.

Диссертациянинг “**Янги таклиф этилаётган услубнинг моҳияти ва унинг амалдаги услубдан афзаллиги**” деб номлаган тўртинчи бобда элита уруғчилик хўжаликларининг лабораторияларида тола сифат кўрсаткичларидан ип йигирувчанлик коэффицентининг қийматига қараб оилавий синов намуналарини танлов қилиш натижалари келтирилган.

Мазкур бобда изланишлар давомида тадқиқот объекти сифатида фойдаланилган С-8290 ғўза навининг 2-йил уруғлик кўчатзори оилаларидан териб олинган намуналарнинг тола сифат кўрсаткичлари HVI ускунасида баҳоланиб, толанинг ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича вариацион қаторларда жойлашишига кўра 138 дан 167 коэффицентлар оралиғида бўлди. Вариацион қаторнинг 153-155 синф чегарасида жойлашган намуналар сони энг кўп бўлиб, яъни модал қийматли 70 та оила аниқланди. Кейинги йилда тола ип йигирувчанлик коэффиценти вариацион қаторда таҳлил қилинганда 136-172 чегарасида жойлашди. Бунда 150-152 синфдаги намуналар сони яъни модал қийматга эга бўлган 41 та оила аниқланди. 2023 йилида тола ип йигирувчанлик коэффицентининг вариацион қаторларда жойлашиши бирмунча қисқарганини, яъни 136-163 кўрсаткичлар оралиғида жойлашди. Бунда модал қийматга эга бўлган оилалар сони сезиларли кўпайиб 153-155 синфдаги оилалар сони ёки модал қийматли оилалар 83 тани ташкил этди. Модал қийматли ва унга яқин бўлган оилалар экиш учун тавсия этилди.




5-расм. С-8290 навининг ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича вариацион қаторларда жойлашиши.

Тадқиқот натижасида модал қиймат ва унга яқин 148-160 коэффицентларга тенг бўлган намуналар 314 та оилавий терим синов намунасида 248 таси, яъни 78,9%; 250 та оилавий терим синов намунасида 150 таси, яъни 60,0%; 302 та оилавий терим синов намунасида 274 таси, яъни 90,7% ни ташкил этди. Бундан кўришиб турибдики йиллар давомида ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича вариацион қаторнинг чап ва ўнг синфларида жойлашган оилаларни чиқитга чиқариш натижасида модал қийматли ва унга яқин бўлган оилалар нисбати ошишига, яъни нав популяциясида ушбу белги бўйича ўзгарувчанлик коэффицентини қисқаришига эришилди (5-расм)

Ўзанинг С-8286 нави 2-йил уруғлик кўчатзори оилаларидан териб олинган синов намуналарнинг тола сифат кўрсаткичларининг вариацион таҳлил натижалари келтирилган.

Бунда оиладан териб олинган намуналарнинг НVI ускунасида тола сифат кўрсаткичлари баҳоланиб, ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича вариацион қаторда жойлашишига кўра 124 ва 160 кўрсаткичлар оралиғида бўлди. Бунда модал қиймат 145 коэффицентни ташкил этиб, ушбу синф қийматида мос 82 та оила аниқланди. Кейинги йилда 293 та оиладан териб олинган намуналарнинг ип йигирувчанлик коэффиценти кўрсаткичлари 127 дан 169 гача оралиқда бўлди. Вариацион қаторларда 151 коэффицентга тенг, яъни модал қийматга эга бўлган 36 та оилалар учради. Учинчи йилда эса 272 та оилалардан териб олинган намуналарнинг ип йигирувчанлик коэффиценти вариацион қаторнинг 133-160 кўрсаткичлари оралиғида

жойлашган бўлиб, модал қиймат 145 коэффицентга эга бўлди ва ушбу қийматли намуналар 65 та оилани ташкил қилди.



6-расм. С-8286 навининг ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича вариацион қаторларда жойлашиши.

Тадқиқотлар давомида тола сифат кўрсаткичларидан ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича намуналарда танлов ўтказилиши натижасида вариацион қаторда модал қийматли ва унга яқин бўлган, яъни 136-154 коэффицентлар оралиғида жойлашган оилалар сони 219 тани, ёки 79,9 фоизни, кейинги йилда вариацион қаторда модал қийматли ва унга яқин бўлган, яъни 137-160 коэффицентлар оралиғида жойлашган оилалар сони 223 тани, ёки 76,1 фоизни ва сўнги йилда модал қийматли ва унга яқин бўлган, яъни 136-154 коэффицентлар оралиғида жойлашган оилалар сони 256 та, ёки 94,1 фоизни ташкил этди (6-расм).

ХУЛОСАЛАР

1. С-8290 ғўза навининг 2-йил уруғлик кўчатзорида ўтказилган дала кўриклари натижасига кўра асосан нотипиклик ва сийраклик сабабли оилалар яроқсизга чиқарилди. Бунда йиллар кесимида жами ўсимликлар сонига нисбатан 27,8; 19,1; 15,9 фоизи яроқсизга чиқарилди.

2. С-8286 ғўза навининг 2-йил уруғлик кўчатзорида ўтказилган дала кўриклари натижасига кўра асосан нотипиклик сабабли оилалар яроқсизга чиқарилди. Бунда йиллар кесимида жами ўсимликлар сонига нисбатан 30,5; 28,4; 32,7 фоизи яроқсизга чиқарилди.

3. С-8290 ғўза навида тадқиқот давомида тола сифатининг асосий кўрсаткичи ҳисобланган ип йигирувчанлик коэффиценти жуда юқори бўлиб,

153; 155; 154 ни ташкил этди ва ўзгарувчанлик коэффиценти 14,3; 5,6; 2,8 фоиз эканлиги аниқланди.

4. Тадқиқот давомида С-8286 ғўза нави толасининг ип йигирувчанлик коэффиценти юқори бўлиб, 143; 146; 146 ни ва ўзгарувчанлик коэффиценти 12,7; 6,4; 3,7 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

5. Ғўзанинг С-8290 навида тола ип йигирувчанлик коэффиценти билан тола юқори ўртача узунлиги ўрта ижобий, бирхиллилик индекси ўрта ва кучли ижобий, солиштрма узулиш кучи кучли ижобий, толанинг микронейр орасида кучсиз салбий боғлиқлик кузатилган бўлса, нур қайтариш коэффиценти ва сарғишлик даражаси билан боғлиқлик кузатилмаганлиги аниқланди.

6. Ғўзанинг С-8286 навида тола ип йигирувчанлик коэффиценти билан тола юқори ўртача узунлиги ўрта ижобий, бирхиллилик индекси ўрта ва кучли ижобий, солиштрма узулиш кучи кучли ижобий, толанинг микронейр орасида кучсиз салбий боғлиқлик кузатилган бўлса, нур қайтариш коэффиценти ва сарғишлик даражаси билан боғлиқлик деярли кузатилмади.

7. С-8290 ғўза навининг тола сифат кўрсаткичларидан ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича 2021 йилда 314 та оила намуналарида танлов ўтказилиши натижасида вариацион қаторда модал қийматли ва унга яқин бўлган, яъни 148-160 коэффицентлар оралиғида жойлашган оилалар сони 248 тани, ёки 78,9 фоизни, йиллар давомида мос равишда 250;148-160; 150 ёки 60,0 % ва 302;148-160; 274 ёки 90,7 фоизни ташкил этганлиги исботланди.

8. С-8286 ғўза навининг тола сифат кўрсаткичларидан ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича 2021 йилда 274 та оила намуналарида танлов ўтказилиши натижасида вариацион қаторда модал қийматли ва унга яқин бўлган, яъни 136-154 коэффицентлар оралиғида жойлашган оилалар сони 219 тани, ёки 79,9 фоизни, 2022-2023-йилларда мос равишда 293;137-160; 223 ёки 76,1% ва 272;136-154; 256 ёки 94,1 фоиз бўлганлиги аниқланди.

9. Тадқиқот давомида иккита селекцион навнинг 2-йил уруғлик кўчатзорларидан териб олинган намуналар ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича таҳлил қилиниб, вариацион қаторнинг чап ва ўнг синфларида жойлашган оилаларни чиқитга чиқариш натижасида модал қийматли ва унга яқин бўлган оилалар сонининг ошишига, яъни нав популяциясида ушбу белги бўйича ўзгарувчанлик коэффицентини қисқаришига эришилди.

10. Нав популяциясида толанинг ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича модал қийматли ва унга яқин бўлган, яъни экишга тавсия этилган оилалардан тайёрланган якка танловлар уруғларини ортиқча таҳлилларсиз биринчи йил уруғлик кўчатзори учун экишга тавсия этилади.

11. Амалдаги “Ғўзанинг элита ва биринчи авлодли уруғларини етиштириш” қўлланмасининг “Уруғлик пахта хом-ашёси ва унинг толасини лаборатория таҳлиллари” деб номланган 7-бобида келтирилган талабларни таклиф этилаётган тола сифати бўйича олиб бориладиган танлов ишларида толанинг ип йигирувчанлик коэффиценти (SCI) асосида олиб бориш услубига ўзгартириш тавсия этилади.

12. Селекцион материалларни тола сифати бўйича дала шароитида дастлабки баҳолашда толанинг солиштрма узулиш кучи, тола узунлигининг бир хиллилик индекси ва тола юқори ўртача узунлиги кўрсаткичларини ип йигирувчанлик коэффиценти билан юқори-ижобий корреляцион боғлиқликда эканлигини инобатга олиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

МИРЗОЁКУБОВ КОМРОНБЕК ЭРКИНБОЙ УГЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДА ПРОИЗВОДСТВА ЭЛИТНЫХ
СЕМЯН СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ В
ГОСУДАРСТВЕННОМ РЕЕСТРЕ**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2023.3.PhD/Qx1190

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Автореферат диссертации на трёх языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.psuyaiti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Амантурдиев Алишер Балкибаевич
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты
Рашидова Дилбар Каримовна
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Дарманов Мухтор Мухаммадович
доктор философии биологических наук, старший научный сотрудник


Ведущая организация: Ташкентский государственный аграрный университет


Защита диссертации состоится « 8 » апрель 2025 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 при научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии хлопчатника (Адрес: 111218, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 1. Тел.: (99871) 150-62-78, факс: (99871) 150-61-37, e-mail: rahta.uz@mail.ru. Главный корпус Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопчатника, 3 этаж, конференц. зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии хлопчатника (зарегистрирована за номером 1320). Адрес: 111218, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 1. Тел.: (99871) 150-62-78, факс: (99871) 150-61-37

Автореферат диссертации разослан «25» март 2025 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от « _____ » _____ 2025 года).


Ш.Э.Намазов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., академик


М.Б.Халикова
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор


С.А.Рахманкулов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор, член корреспондент АНХ РУз.



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире насчитывается более 120 стран, которые кроме возделывания хлопка основаны на заготовку семян хлопчатника. «Лидирующие позиции в этом направлении занимают такие страны, как Индия (1252,4 тонны), Китай (1067,9 тонны), США (5654,0 тонны). Узбекистан занимает шестое место по производству семян хлопчатника и производит 1374,0 тонн семян»¹. В ведущих странах мира с развитым семеноводством хлопчатника не утратили своей актуальности научные исследования, направленные на предотвращение происходящей в мире продовольственной безопасности и производства качественной продукции, а также улучшению качества семян.

В таких странах, как Индия, Китай, США, Бразилия, Австралия, Мексика, Турция, Пакистан, Южная Африка, с развитым хлопководством, достигаются значительные успехи в получении высоких урожаев и производстве качественных семян путем применения современных селекционных методов². В последние годы в результате глобального изменения климата важное значение имеет создания новых сортов хлопчатника, толерантных к различным абиотическим и биотическим факторам и заготовка качественных семян.

Применяемый в нашей республике в течение нескольких десятилетий метод, используемый в заготовке элитных семян районированных сортов, позволял выполнить требования к качеству семян. В условиях рыночной экономики создана совершенно новая правовая база возможности взаимосвязи между селекционерами, семеноводами и семеноводами в государственном производстве. Следует отметить, что изучение показателей качества волокна в различных неблагоприятных экстремальных условиях и засоленных почвах, вместе с этим заготовка качественных семян новых районированных сортов, в различных почвенно-климатических условиях, является одним из актуальных вопросов сегодняшнего дня.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года №УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»³, Законом Республики Узбекистан от 16 февраля 2019 года №ЗРУ-521 «О семеноводстве»⁴ в новой редакции, Указом Президента Республики Узбекистан от 17 апреля 2019 года, №УП-5708 «О мерах по совершенствованию системы государственного управления в сфере сельского хозяйства»⁵, Постановлением Президента Республики Узбекистан от 27 апреля 2018 года №ПП-3683 «О мерах по коренному

¹ <https://www.icac.org>

² <https://www.cottonportal.org>

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года №УП-5853

⁴ Закон Республики Узбекистан от 16 февраля 2019 года №ЗРУ-521

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан от 17 апреля 2019 года №УП-5708

совершенствованию системы семеноводства в Республике Узбекистан»⁶ а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Селекционерами и семеноводами мира предложено множество способов для использования в процессе производства и заготовки семян хлопчатника. В частности, такими учеными как M.B.Parmar, LeslieMeyer, G.Huang, Z.Yang, Zhaoen Yang, Ю.П.Алтухов, B.Tsedaley, Finch-Savage WE, M.Hassan, Я.Мередов, Atique-urRehman, I.S.Muhammad, S.Hall проведены научные исследования по селекции и семеноводству хлопчатника, а также методам, используемым в процессе семеноводства.

В нашей стране такими учеными как О.В.Кратиров, М.И.Иксанов, А.А.Нариманов, А.Б.Амантурдиев, П.Ш.Ибрагимов, Ш.С.Казибоев, Я.А.Бабаев, Д.К.Рашидова, И.Т.Каххоров, Б.И.Мамарахимов проведены исследования по размножению семян хлопчатника, упрощению системы семеноводства и повышению сортовых качеств сортов, а также повышению уровня точности анализов.

